

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 25-may, Payshanba

№ 22 (9238)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi



ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир – шу йилнинг 9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Айни пайтда мазкур сайловни муносиб ўтказиш борасида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилди. Унда сайловга тайёргарлик куриш ва уни ўтказишда округ сайлов комиссиялари олдидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув-машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 42 нафар округ комиссияларининг раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат аъзолари иштирок этди. Машғулотлар Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан олиб борилди.

Ўқув машғулотларидан кўзланган мақсад сайлов ўтказувчи округ комиссиялари аъзоларининг сайловга тайёргарлик куриш ва уни ўтказишдаги асосий вазифалари, сайлов жараёнларини умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига риоя этилган ҳолда, Сайлов кодекси талаблари

асосида, уюшқоқлик билан ташкил этишдаги кўникмаларини оширишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, семинар тренинга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, сайлов календарь режасининг ўзига хос хусусиятлари, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва ушбу рўйхатлар билан ишлашда округ сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар каби мавзулар муҳокама этилди. Шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш кунига тайёргарлик, округ сайлов комиссиясининг сайлов жараёни иштирокчилари билан ҳамкорлиги, округ сайлов комиссиялар фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов округи бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари ва участкалари учун биноларни танлаш, овоз бериш хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар юзасидан ҳам амалий машғулотлар ўтказилди.

Машғулотлар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎЗА муҳбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛАРИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ИССИҚХОНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Сурхондарё иқлими жиҳатидан деҳқончилик учун жуда қулай ҳудуд саналади. Вилоят имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик йўналишларининг катта қисми ҳам деҳқончилик ва иссиқхоначилик йўналиши бўйича ташкил этилмоқда.

Денов мисолида оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзига 100 тонна картошка айнан ушбу туман тадбиркорлари томонидан етиштириб берилиши режалаштирилган. Иссиқхоналарнинг аксариятида эса помидор етиштирилади.

“Денов Шарқ мўъжизаси” масъулияти чекланган жамияти ҳам помидор етиштириш билан шуғулланади. МЧЖнинг 4 гектарли замонавий иссиқхонаси 900 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобидан бунёд этилган. Айни пайтда 35 нафар киши иссиқхона юмушлари билан банд.

Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: БУХОРОДАГИ АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Мамлакатимизда изчил давом этаётган тараққиёт ва ривожланиш даври барча жабҳаларда бўлгани каби иқтисодий таъминотимизда муҳим ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳам замонавий технология, илм-фан ютуқлари ҳамда янги инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.



Сабаби, аграр соҳанинг ривожланиши билан мавжуд бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топилади, халқимизнинг яшаш шароити, турмуш даражаси яхшиланади. Қолаверса, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган, озик-овқат хавфсизлигини имкон қадар

бартараф этишга эришилади. Ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитига эга бўлган Бухоро вилоятида ҳам аграр соҳани бугунги тараққиёт даври талаблари асосида юксалтириш борасида кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Қувонарлиси, бу борада амалга оширилган ишлар ўз

натijasини кўрсатмоқда. Бу борада қўлга киритилган ютуқлар ва уларнинг самараси билан яқиндан танишиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш мақсадида Бухорода республика миқёсида амалий-ўқув семинари ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Улуғнор тумани сув таъминоти оғир ҳудуд ҳисобланиб, сувнинг ҳар қатраси қадрли. Шунинг учун ушбу ҳудудда сувга бўлган муносабатни шакллантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий сув тежовчи, жумладан, томчилатиб суғориш технологиясининг афзалликлари, технологияни жорий этишда қўлланиладиган имтиёзлар ҳамда бошқа шу каби долзарб масалалар ўз ечимини топиш тараддудида.

УЛУҒНОРДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ



Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан биргаликда “Сув тежовчи технологияларнинг афзалликлари” мавзусида Улуғнор туманидаги “Улуғнорда сарик сув” фермер хўжалигида кўргазмали илмий-амалий семинар ўтказди. Тадбирда тумандаги агрокластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, томорқа ер эгалари ва сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари иштирок этди.

– Жорий йилда Улуғнор туманида 1047 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан 847 гектарда томчилатиб, 100 гектар ёмғирлатиб ва 100 гектарда дискрет (пульсар) усулида суғориш ташкил этилади, – дейди Норин-Қорадарё ИТХБ бош мутахассиси Ж.Деҳқонов. – Шу сабаб ҳам, бугун ташкил этилган анжуманда унинг иштирокчилари учун ҳар томонлама фойдали бўлгани шубҳасиз.

Семинар қатнашчилари институт олим ва тадқиқотчилари томонидан мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қутилаётган сув танқислигини шароитида амалга ошириладиган тадбирлар, ресурстежамкор технологияларни жорий этишнинг илмий асослари, уларни жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган маърузаларини тинглаш, интерфаол усулда мунозараларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Шу каби семинарлар вилоятнинг бошқа туманларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Норин-Қорадарё ИТХБ матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ИККИ МИНГДАН ЗИЁД ХОНАДОН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Ичимлик суви билан таъминлаш масаласи Пискент туманида яқин вақтларга қадар энг ўткир муаммолардан бири эди. Баъзи маҳаллаларга 60 йил аввал ёки ундан ҳам олдинроқ тортилган қувурлар яроқлилик муддатини ўтаб бўлганлиги боис, деярли барча кўчаларда сув қайнаб, исроф бўлиб ётарди.

Бунинг натижасида аксарият хонадонларга тоза ичимлик суви етиб бормас, етгани ҳам жўмрақлардан босимсиз, чулдураб томчиларди. Бундан ҳам катта муаммо қўшни Олмалик шаҳридаги санаят корхоналарининг туманга туташ қисмида пайдо бўлган захарли чиқитларнинг аллақачонлар ер ости сувларига таъсир қилиб бўлгани, улар аҳоли ичимлик суви таркибида аниқлангани эди. Шу боис, бир қатор аҳоли пунктларида ичимлик суви истеъмолга яроқсиз деб топилиб, четдан маҳсус автоуловлар ёрдамида ташиб келиб, тарқатиш ҳолатлари ҳам

кузатилмоқда эди. Тўғриси, узоқ йиллар давомида ечимини топмай келаётган бу муаммолар аҳолини бутунлай ҳолдан тойдирган, кўпчилик ушбу масаланинг ҳал бўлишидан умидини узиб ҳам бўл-



ганди. Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифлари чоғида вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга оид топшириқлари ҳамда ушбу ишларга етарлича маблағ ажратилганлиги кўплаб туман ва шаҳарлар аҳолиси каби пискентликларни ҳам беҳад қувонтириб юборди. Бугун туманга ташриф буюрган киши маҳаллаларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида



тезкор амалга ошириладиган хайрли ишларнинг гувоҳи бўлади. Энг муҳими, туман марказидаги аҳоли хонадонларини обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида Тошкент денгизининг туман ҳудудидаги қирғоғидан барча талабларга жавоб берадиган чучук сув қазиб чиқарилди. “Лолаарик” МФЙ ҳудудида маҳсус сув иншооти қурилди. Айни вақтда 9 та маҳаллада 46,6 километр масофага ичимлик суви қувурларини тортиш ишлари

Жарён

Иброҳим ТОШЕВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Амударё туманидаги барча хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўрганилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

БАРЧАСИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарор ижроси доирасида туман ҳудудларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 25 миллиард 595 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Жумладан, жами 26 та объекта, шундан 20 та маҳаллада ички йўллари таъмирлаш, 2 та маҳаллада сув иншоотини реконструкция қилиш, 2 та маҳаллада маҳалла маъмурий биносини ва 1 та маҳаллада болалар спорт майдончасини янгидан қуриш, 1 та маҳаллада электр тармоқларини тортиш режалаштирилди.

Пудратчи ташкилотлар томонидан 15 та овул ва маҳаллалардаги жами 44,4 километр узунликда ички кўчаларга тош ётқириш, "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi болалар спорт майдончасини янгидан қуриш, "Қипчоқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудига 2 километр узунликдаги сим кабелларини тортиш ҳамда "Хизр эли" ва "Юқори

қишлоқ" маҳаллаларининг маъмурий биноларини янгидан қуриш ишлари якунланди.

"Хизр эли" ва "Юқори қишлоқ" маҳаллаларининг маъмурий бинолари фойдаланишга топширилиши чекка ҳудуд аҳолиси учун ҳақиқий тўхфа бўлди. "Ту-проққалъа махсус қурилиш", "Коммунал рем строй" масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб битказилган бинода ходимлар учун барча шароит яратилган. Бу эса, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларнинг муаммолари шу ернинг ўзида ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Амударё туманида жами 24 километр узунликдаги ички йўлни таъмирлаш режалаштирилган. Туман Ободонлаштириш бошқармаси қўшимча равишда яна 13 километр йўлни таъмирлашни режа қилган. Эндиликда туманда жами 37 километр ички йўллар таъмирланади. Бунинг учун



давлат бюджетидан 2 миллиард 964 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида тумандаги 49 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 1868 та хонадондан 1856 та уйнинг том қисми ёпиб берилди. Шунингдек, яшаш ва таъмирлаш учун яроқсиз бўлган 12 та уй қайтадан қурилади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Амударё туманидаги барча хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида ушбу оилалар ҳақиқатдан ҳам

ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролардан бири "Қизилчоли" маҳалласида Насиба Сийтамутова икки нафар фарзанди билан ёлғиз яшайди. Турмуш ўртоғининг вафотидан кейин ёлғиз она рўзгор юқини кўтаришга қийналиб қолган эди. Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги ва эътибори билан яроқсиз холга келиб қолган уйда қайтадан қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бу вазифани "Жумуртов техтаъмирсервис" масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олган. Қурувчиларнинг таъкидлашича, қурилиш ишлари июнь ойида ниҳоясига етказилади.

Аҳоли вакиллари мамлакатимизда олиб борилаётган шу каби кенг қўламли ишлар натижасидан мамнун.

Довуд АБИДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



(Боши 1-саҳифада)

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокурорлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва вилоятлар ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги, Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири ва вилоятлар ирригация тизимининг ҳавза бошқарма бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар дон корхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги пахта ва ғаллачилик йўналишидаги кластерлар ва мойли экинлар етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Бухоро туманидаги "Бухоро Варнет" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди. Қайд этиш жоизки, 2019 йилда фаолияти йўлга қўйилган корхона ҳозирги кунда замонавий агро-саноат мажмуасига айланмоқда.

Авал бу ерда фақат иссиқхона бўлган бўлса, эндиликда унинг ёнида ўқув маркази, лаборатория ҳамда иссиқхоналар учун конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилган. Яъни, замонавий иссиқхоналар учун нимаики керак бўлса, шу ерда тайёрланади. Корхона қошидаги академия замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида иссиқхона усулида помидор, бодринг, бўлғор қалампир, бақлажон, қулпнай каби бир неча турдаги маҳаллий қишлоқ



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: БУХОРОДАГИ АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

хўжалиги экинлари билан бир қаторда, лимон, мандарин, банан, паппайя каби цитрус ўсимликларни парваришлаш йўлга қўйилган. Маҳсулот етиштириш жараёнида илм-фан ва амалиёт интеграцияси тўлиқ йўлга қўйилгани, ўсимликлар лабораториясида ин-витро усулининг жорий этилгани соҳа вакилларида катта таассурот уйғотди. Масалан, корхона томонидан

2021 йилда 1 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич қарийб 2 миллион долларни ташкил этди. Ҳосилдорлик гектарига 150 центнерга етказилди. Бу ерда ин-витро технологияси асосида йилга 90 миллион донга қўчат етиштирилиб, иссиқхона хўжаликлари, томорқа ер эгалари тарқатилиши режалаштирилган.



билан ҳам ажралиб туради.

Бугун нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, балки малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам асосий мақсад қилиб олинган кластерда тизимли ишлар амалга ошириляпти. Бунда Бухоро давлат университети иқтисодиёт ва туризм факультети Агробизнес ва агрологистика кафедраси билан яқин ҳамкорликдаги ишлар ўз натижаларини бермоқда. Эндиликда академияда қатор илмий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчиларининг навбатдаги манзили Жондор туманидаги "Яккатут" пахтачилик, ғаллачилик, шолчилик ва уруғчилик кластери бўлди.

Мохонқўл чўл массивидаги қаровсиз ётган ер майдонларини ўзлаштириш натижасида янгидан барпо этилган кластер корхонасининг фаолиятида ҳам мамлакатимиз миқёсида оммалаштиришга арзийдиган жиҳатлар жуда кўп. Бу ерда тадбир иштирокчилари экин ерларини илмий асосда бошқариш борасида йўлга қўйилган тизим ва

унинг натижаларига гувоҳ бўлишди. Шу ерда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш жараёнида инсон омилини камайтириш, меҳнат ресурсларини тежаш асосида юқори самарадорликка эришиш, экин парвариши билан боғлиқ агротехник юмушларда замонавий технологиялар кучидан самарали фойдаланиш борасида Бухоро вилоятидаги кластер корхоналари томонидан амалга оширилаётган ишлар тақдимот қилинди.

Асосан, ғалла ва шולי етиштиришга ихтисослашган ушбу кластерда бугунги кунда мойли ва дуққали экинлар етиштириш борасида ҳам яхши тажриба тўплаган. Кластер томонидан 2022-2024 йиллар давомида умумий қиймати 170 миллиард сўм бўлган 4 та лойиҳа амалга ошириляпти. Эътиборлиси, кейинги йилларда яна 6 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, 2 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий этилади.

Энг асосийси, кластер томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили корхонанинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Амалий ўқув-семинари иштирокчилари мазкур корхона фаолияти, хусусан, яқинлашиб келаётган ғалла ўриш мавсумига кўрилган тайёргарлик ишлари, корхона имкониятлари билан ҳам яқиндан танишишди.

Мухтасар айтганда, бугун Бухоро вилоятида аграр соҳани мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таян устун сифатида замонавий талаблар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда янгидан янги лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад эса экин ерларидан самарали фойдаланиб, маҳсулот сифати ва салмоғини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмларини ошириш, аҳоли дастурхонини тўқинлигини, бозорлар сероблигини таъминлашдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Шўхрат Ғаниев, Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов қатнашди.

Вилоят ҳокимлиги
матбуот хизмати

САМАРҚАНДА 1115 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛДИ

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида округ ҳудудида сайлов участкалари тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сайлов кодексининг 10-моддасига кўра, сайлов участкалари сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туман ва шаҳарларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади. Шунингдек, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар яшаётган манзилларда ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам сайлов участкалари тузилади.

– Мажлисимизда сайлов участкаларининг тартиб рақамлари белгиланган ҳолда округ бўйича 1115 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. – дейди 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Д.Якубжанова. – Жумладан, энг кўп сайлов участкалари

Самарқанд шаҳри (176 та) ва Ургут туманида (129 та), энг ками Каттакўрғон шаҳри (33 та) ва Пахтачи туманида (43 та) тузилди. Сайлов участкаларининг 894 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 58 таси коллеж, лицей ва техникумларда, 37 таси маҳалла фуқаролар йиғинларида, 53 таси тиббиёт, санаторий ва дам олиш муассасаларида, 2 таси мурувват уйларида, 16 таси олий ўқув юртли биноларида, 12 таси ҳарбий қисм ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларида фаолият олиб боради.

Участкалар рўйхати туман, шаҳар газеталари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши белгиланди. Мажлисдан сўнг ўтказилган брифингда бўйича мутахассис ҳақида маълумот берилди.

Ҳоли ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



ГЛОБАЛ ТУПРОҚ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ТАРМОғИНИНГ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТРЕНИНГИ

Глобал тупроқ лабораторияларнинг тармоғи (The Global Soil Laboratory Network – GLOSOLAN), БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкентда 30 дан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган мутахассислар учун шўрланган тупроқларни таҳлил қилиш бўйича тренинг ташкил қилмоқда.

Ташриф буюрувчилар орасида Австралия, Арманистон, Бангладеш, Грузия, Миср, Испания, Италия, Хитой, Малайзия, Нидерландия, БАА, Покистон, Сенегал, Танзания, Франция, Марказий Осиё мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам бор. Тренинг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Тупроқсифаттаҳлил" давлат унитар корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу корхонада суғориладиган ерларнинг сифатини баҳолаш, тупроқ унумдорлиги ва экологик ҳолатини мониторинг қилиш ишлари олиб борилади. Бу ерда Ўзбекистон тупроқ қопламнинг ахборот базаси шакллантирилмоқда, тупроқларнинг шўрланиши ва уларнинг озуқа моддалари билан таъминланиши картограммалари тузилган. Корхона мутахассислари шўрланган ва деградацияга учраган ерларни мелiorация қилиш ва мелiorация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланишди.

Тренинг халқаро экспертлар ва шўрланган тупроқлар халқаро тармоғи (INSAS) вакиллари томонидан ўтказилади. Иштирокчиларга тупроқларнинг физикологик, биологик, кимёвий ва гидрологик хусусиятлари бўйича рақамли хараиталарни яратиш учун электромагнит индукция асбоблари ва маълумотларидан фойдаланиш ўргатилади. Бундан ташқари, шўрланган тупроқларни кузатишнинг муҳим жиҳатларини, масалан, бу одамлар даромадлари ва озиқ-овқат тизимларининг ишлашига бевосита таъсир қиладиган тупроқ деградациясининг ижтимоий-иқтисодий таъсирини ўрганади.

"Тупроқни таҳлил қилиш бўйича халқаро ҳаракатларда муҳимдир. Чунки тупроқ чегараларни тан олмайди, шунинг учун бир мамлакатда тупроқ таъсирини боғлиқ муаммолар чегаранинг бошқа томонидаги тупроқ ҳолатига, шунингдек, бир бутун сифатида ўзаро боғлиқ экотизимларнинг ҳолатига таъсир қилади. Биз тупроқ таҳлиliga умумий ёндашувларни илгари суриш ва бу фаолиятни бутунлай янги босқичга кўтариш учун биргаликда ишлашимиз, шунда биз мамлакатлар бўйича маълумотларни солиштириш ва шўрланган тупроқ муаммоларини халқимизнинг яхшироқ усулларини топишимиз мумкин", – деди FAO тупроқшунослик бўйича мутахассис Магделин Власимски.

Тренинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Тупроқсифаттаҳлил" давлат унитар корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу корхонада суғориладиган ерларнинг сифатини баҳолаш, тупроқ унумдорлиги ва экологик ҳолатини мониторинг қилиш ишлари олиб борилади. Бу ерда Ўзбекистон тупроқ қопламнинг ахборот базаси шакллантирилмоқда, тупроқларнинг шўрланиши ва уларнинг озуқа моддалари билан таъминланиши картограммалари тузилган. Корхона мутахассислари шўрланган ва деградацияга учраган ерларни мелiorация қилиш ва мелiorация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланишди.

Глобал тупроқ лабораториялари тармоғи (The Global Soil Laboratory Network – GLOSOLAN) 2017 йилда бутун дунё бўйлаб лабораторияларда тупроқни таҳлил қилиш ва тупроқ аналитик маълумотларини мослаштириш бўйича салоҳиятини ошириш учун ташкил этилган. Янги, изчил тупроқ маълумотлар тўпламини яратиш; ва тупроқни барқарор бошқариш учун далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш – усуллар, бирликлар, маълумотлар ва маълумотларни уйғунлаштириш бўйича ҳамда халқаро лойиҳалар ўртасида ишончи, таққосланадиган маълумотларни тақдим этиш учун жуда муҳимдир.

ЎЗА



Лойиҳа қиймати қарийб 40 миллиард сўмни ташкил этадиган улкан мажмуани келаси ой фойдаланишга топшириш кўзда тутилган



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ЗОМИН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ МУЗЕЙИНИ БАРПО ЭТИШ ИШЛАРИ

ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Маълумки, кейинги йилларда юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Зомин туманида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Эски, пастқам бинолар ўрнида замонавий кўп қаватли уйларнинг бунёд этилиши туман маркази қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Айни пайтда “Қўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда икки қаватли Зомин тарихи ва маданияти музейини янгитдан барпо этиш ишлари қизғин бормоқда. — Мақсадимиз ушбу улкан мажмуани ўз вақтида, белгиланган лойиҳа асосида, сифатли

ва мустаҳкам қуриб, топшириш, — дейди “MJN HOUS” хусусий корхонаси раҳбари Мақсуд Тожибоев. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Дарҳақиқат, вилоятда ягона бўлган, лойиҳа қиймати қарийб 40 миллиард сўмни ташкил эта-

диган ушбу музейни келаси ой фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шу кунга қадар корхонанинг малакали қурувчилари томонидан 90 фоиз қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. **Ориф ЖУМАНОВ,** “Qishloq hayoti” муҳбири.



ҒАЛЛАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСКАНЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Халқимизнинг ризқ-рўзи, фаровонлик омили ҳисобланган дон маҳсулотларини бу йил ҳам мавсумда йўқотишларсиз йиғиб-териб олиш деҳқонларимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.



Уруғ қадашдан тортиб, пишиб, етилган донни қабул масканларини етказиш ва сақлашга бўлган жараённинг сифатли кечиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд ҳудудий бўлини маси давлат инспекторлари томонидан бу мавсумга етарли даражада тайёргарлик кўрилди. Ҳозирги кунда вилоятимизда тўртта донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари мавжуд бўлиб, туманларда шу корхоналарга қарашли 14 та дон қабул қилиш масканлари фаолият кўрсатади. “Жомбойдон”, “Самарқанддон”, “Жума элева-тори”, “Оқтошдон” акциядорлик жамиятлари объектларида мунтазам профилактика тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Донни қабул қилиш масканларининг ёнғинга қарши ҳимоя воситалари билан таъминлангани, сув ҳавзалари тўлаллиги, ўт ўчириш насослари мавжудлиги, ғаллани орттиш-тушириш техникаларининг талабга жавоб бериши кўздан кечирилди. Назорат

давомида техникаларнинг ҳимоя тўсиқлари таъмирдан чиқарилди. Ғалла тўкиладиган майдонларнинг айрим жойлари таъмирта-лаб экани аниқланиб, уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Донни қабул қилиш ва сақлаш масканла-рида авария ва бошқа бахтсиз ҳодисалар-нинг олдини олиш мақсадида тушунтириш-тарғибот тадбирлари давом этмоқда. **Исматулла МУСТАФОЕВ,** Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд ҳудудий бўлини маси давлат инспектори.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ ВА ҚУРИЛИШНИ ХОТИРЖАМ ТУГАТИНГ!

Қурилиш соҳаси вакиллари шунинг яхши билишлари керакки, қурилиш жараёнида электр билан боғлиқ ишларда ўта эҳтиёткорликни ошириш зарур.



Масалан, қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинмаган симлар маҳкам тирговуч ёки тросларга илиниши, электр сими иш жойидан 2,5 метр, ўтиш жойларидан 3 метр, ўтиш йўлларидан 6 метр балан-дликда бўлиши керак, ер, пол ёки қопламадан 2,5 метр баландликда бўлган электр кабель ва симлар шикастланишдан ҳимоялан-

ган бўлиши лозим. Электр пайвандлаш ва газ алан-гаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнув-чан моддалар, 10 метргача портлаш хавфи юқори бўл-ган модда ва ускуналар, шу жумладан, газ баллонлари ва газ генераторларидан бўшатилиши керак. Иш тугаши билан электр тар-

ЧИЛГИ ҲОСИЛ БАРАКАЛИ БЎЛМОҚДА

Фарғона вилоятининг барча туманларида бўлгани каби Риштонда ҳам чилги ҳосил – пиллани териб олиш юмушлари қизғин паллага кирди.

Жорий мавсумда туман бўйича 172 қути ипак курти агротехника қоидалари асосида парваришлангани боис “қумуш тола” баракали бўлди. Фермер хўжалиқлари ва касаначилар бугун қабул шохобчасига сифатли саноат хомашёсини топширишда да-вос этмоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ту-ман бўйича кўзланган 126 тоннадан зиёд чилги ҳосил этиштирилган. Ипак курти боқиш учун масъул ташки-лотлар томонидан барча

шароитлар яратиб берилган-ни ҳамда соҳада касаначилик усули кенг жорий қилингани ўз натижасини берапти. — Оиламизга қўшимча да-ромад топиш ва ўзимга иш стажи ёздириш мақсадида ҳар йили бир қути ипак курти-ни боқамиз, — дейди касаначи Ҳабиба Назирова. — Бугун-эр-та теримга киришамиз. 100 килограмдан зиёд сифатли ҳосил олишни ният қилиб ту-рибмиз. **Муқимжон ҚОДИРОВ** (ЎЗА) олган сурат.



Мутахассис тавсиялари

Ўза ривожини кўпгина омилларга боғлиқ. Ўзадан эртаги ва мўл ҳосил олиш учун унинг парваришида комплекс тадбирлар амалга оширилиши лозим. Пахтакорларнинг бугунги асосий вазифаси пайкаллардаги тупроқ намлигини бир маромда сақлаб туришдан иборат, агар намлик етарли бўлмаса, ўза танасидаги физиологик, фотосинтез жараёнлари издан чиқади.

Ҳароратнинг кўтарилиши ўза бар-лари юзасида буғланиш юз беришига олиб келади. Тупроқдан илдиз орқали сўриб олинган сувнинг қарийб 80-90 фоизи ўза барги орқали буғланса, фақат 10-20 фоизи тупроқ орқали буғланади. Бу мураккаб жараён оқиб-атида намлик етишмаганлигидан ҳосил туғунчалари тўкилади. Тажрибадан келиб чиқиб, бу даврда ўза парвари-шининг ҳар бир агротехник тадбири сувдан унумли фойдаланишга йўнал-тирилиши лозим.

да сўғориш зарур. Намликни сақлаб қолиш учун эса ишловда тупроқнинг майин бўлиши муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам ўза қатор ораларига ўз вақтида, сифатли ишлов бериш муҳим агротехник тадбир ҳисоблана-ди. Культивация ўтказишдан олдин мутахассис, механизатор ва агроном-



ЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ

ОМИЛЛАРИ

ларнинг маслаҳатига таяниш ниҳоятда зарур. Ернинг нами мақбул даражага келмасдан, культивация ўтказиш асло мумкин эмас. Қатор ораларига ишлов беришда илдизларнинг эркин ўсишига эришмоқ лозим. Ўза танасига тупроқдаги сув ва озик моддаларининг шимиллиши ўсим-ликлардаги барча модда алмашинув жараёнларининг меъёрида бориши-ни таъминлайди. Илдизлар соғлом, яхши ривожланган, шикастланмаган тақдирдагина мўл ҳосил олинishi таъ-минланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки,

ўзани вегетация даврида керагидан ортиқча сўғориш зарарли. Гуллашгача бўлган даврда тупроқнинг 50-70 сан-тиметригача нам борса етарли. Шунда илдиз атрофидаги тупроқнинг нам бў-либ туришига эришилади. Сўғорилади-ган майдоннинг бир текис намланиши ва обихаётни тежамли тараш учун эгат узунлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу ишни тупроқ ҳилига, ернинг нишабланига ва ўза қатор орал-ларига боғлиқ ҳолда мувофиқлашти-риш лозим. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, қатор оралари 60 сантиметр бўлган

далаларда эгатлар узунлиги 60-70 метрдан, сувни султ шимадиган, оғир тупроқли, қатор оралари 90 сантиметр бўлган пайкалларда эса тегишли ра-вишда 80-90 ва 90-100 метрдан ошмас-ли керак. Булар билан бир қаторда сувдан тежамли фойдаланишда “Чуст усули” диққатга сазовордир. Чуст ту-мани хўжалиқларида сўғориш ишла-ри қисқа эгатлар (30-50 метр) орқали амалга оширилмоқда. Ўзани тунда сўғориш самарали натижа беради. Бу 10-15 фоиз сув тежалишига ёрдам беради. Фан ва амалиётда шу нарса исботланганки,

тупроқнинг устки қатлами майда кесакли қилиб юмшатишга ва 0,22-10,0 миллиметр каталикдаги кеса-клар камидан 50-60 фоизни ташкил қилса, ерда нам яхши сақланади. Бу сўғоришлар оралиғидаги даврни 4-5 кунга узайтириши, вегетация вақти-да эса ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашини бузмаган ҳолда сўғориш бериш марта камайтириш имконини беради. Ўзага ишлов беришда тупроқнинг йирик кесакли бўлишига сира йўл қўй-маслик керак. Бу ҳол намнинг буғланиб кетишига олиб келади. Шунинг унутмас-лик керакки, юзаси ишлов берилганда текис чиққан майда кесакли далалар-да нотекис, йирик кесакли далаларга қараганда намнинг буғланиши 25-35 фоиз кам бўлади. Олимлар ўтказган тажрибаларда ўза қатор ораларининг ишлови кечик-тирб ўтказилганда ҳосилдорлик 4-5 центнерга камайганлиги аниқланган. Бунинг устига биринчи теримда кам ҳосил олинган. Шунинг учун қатор ора-

сига ишлов бериши бирор кун ҳам кечиктирмай ўтказиш талаб этилади. Илмий тадқиқот натижаларига кўра, ўсимликларни чанқатиб қўйиш ёки керагидан ортиқча сув беришга йўл қўймаслик лозим. Бу тадбирни, июнь ойида тупроқнинг механик тарки-би, ҳаво ҳарорати, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва нав хусусият-ларини ҳисобга олиб ўтказиш эртаги ва юқори ҳосил гаровидир. Сўғоришда яна бир хусусиятга эътибор бериш керак. Ўзада 10-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда 25-30 ҳо-сил элементлари ҳам пайдо бўлади. Кейинчалик ушбу ҳосил элементлари-дан энг эртапишар, ҳосилнинг 70-80 фоизини ташкил қиладиган қўсақлар етилади. Аммо, июль ва август ойла-рида пайдо бўладиган 13-16 ҳосил шохларида ҳосил элементларининг 60-70 фоизи тушиб кетиши мумкин. Шунинг билан бир қаторда, ўзани кейинги сўғоришларга алоҳида эътибор бериш мақсада мувофиқ бўлади. Саратонда сувга қонган ўза ривожини тез, ҳосили бўлиқ бўлади. Хусусан, ўза учун тунда сўғориш ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу ўзанинг сувга қонишига омилкорлик қилади. “Саратонда сув қўй, асадда тек қўй” мақоли шундай тажрибалар-дан келиб чиққан. Ҳар бир тадбирни ўз вақтида, кўн-гилдагидек ўтказиш мўл ҳосилга пухта замин қўйиш демакдир. Шундай экан, фермерлар ўзани сўғоришга эътибор-ли бўлишлари талаб этилади. **Ренат НАЗАРОВ,** қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, **Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,** Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.

Ёш авлодни қадриятларимизга муҳаббат ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда миллий кўғирчоқларимиздан фойдаланиш катта аҳамиятга эга

Кўғирчоқбоз ва кўғирчоқсоз уста Мансур ака Қурёзовни республикаимизда ҳатто хорижда ҳам кўпчилик танийди. Айниқса, унинг томошалари болажонларимизнинг жону дили. Мансур ака қадим Хоразмнинг Хонқа туманидан. У 1989 йили "Жайхун" кўғирчоқ театрини ташкил қилиб, 1993 йилда Хоразм Давлат кўғирчоқ театрига асос солган. Қаҳрамонимиз "Меҳнат шўхрати" ордени ва "Маънавият фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Бу йил болаларнинг эртакчи бобоси муборак 60 ёшини қаршилайди.

Шунингдек, 1989 йилда "Жайхун" кўғирчоқ театрини, 1993 йилда Хоразм давлат кўғирчоқ театрининг асосчиси сифатида эътироф этилди. 2000 йилда Андижон вилояти Хонобод шаҳрида ўтказилган Халқ ижодиёти фестивалида "Жайхун" кўғирчоқ театри олий ўринга сазовор бўлди. 2002, 2004, 2005 йилларда халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Бадий Академияси, Маданият Вазирлиги томонидан



ўрганишга киришдим. Олдинлари ўхшамади, аммо ўқиб, ўрганишим баробарида мен бунинг уддасидан чиқдим. Шундай қилиб кўғирчоқсозликка ҳам асос солиндим. Оддий қоғоз чикиндиларидан, пахта, ёғоч, сомон, лой ва бошқа ашёлардан кўғирчоқ ясашга киришдим. Кўғирчоқсоз устанинг фантазияси кучли бўлиши керак, унда миллийлигимиз уфуриб турадиган бўлса театрга келганлар ҳам хурсанд бўлади, албатта. Кўғирчоқларнинг юз-кўзи гапириб турган бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, бу томошабинга завқ бера олмайди.

Кўғирчоқсозликни ривожлантириб, оилавий қорхонага асос солдик. Болаларимнинг онаси Гулзода Қурёзова шу соҳа бўйича яқин маслаҳатчим. Уғлим Бобурбек, кўзим Фазилат шу соҳа бўйича таълим олиб, ишга жиддий киришганлар. Дилназов, Дилмурод, Алибек, Азизбек невараларим менинг энг яқин ёрдамчиларим. Тайёр маҳсулотларни синовдан ўтказишди. Республика бўйича 500 нафардан зиёд шогирдларим бор. Булар учун онлайн маҳорат дарслари ўтиб борилади.

– Мансур ога, кўғирчоқларингизни худди раққослардек кийинтириб кўясиз, мабодо раққангиз рашк қилмайдими? (ҳазил).

– Раққанаму рашк қилмайди, аммо рашк қиладиганлар топилиб туради. Ўзбекистон халқ артисти Гавҳаржон опа Матёкубова ва унинг раққоса қизлари билан хорижий давлатларга гастролга чиққанганимизда Гавҳар опа ҳазиллашиб: – Мансурбек, бу кўғирчоқларингизни сал четга олиб турмасангиз менинг қизларимга одамлар қарамай қўйишди дерди. (кулади).

– Келажакдаги режисларингиз ҳақида ҳам икки оғиз ўртоқлашсангиз.

– Ҳар қандай ўйинчоқ бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Ёш авлодни қадриятларимизга муҳаббат ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда миллий кўғирчоқларимиздан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Мақсадларимдан бари сифатида шуларни айтишим мумкинки, Миллий кўғирчоқ санъатимизни Номоддий маданий мерос элементи сифатида миллий репрезентатив рўйхатга киритиш. Анъанавий кўғирчоқ театрини, Миллий кўғирчоқ музейини ташкил этиш.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ сўхбатлашди.

Касбим мени дунёга танитди

Йилда Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати институтига ўқишга кирдим. У ерда актёрлик, драма театри режиссёри мутахассислиги бўйича ўқидим. Бир оз муддат Хоразм театрида режиссёр ёрдамчиси, режиссёр, бош режиссёр бўлиб ишладим.

– Эй, бекор шу касбни танлаган эканман, дея қўл силтаб, ташлаб кетишга чоғланган пайтларингиз ҳам бўлганми?

– Йўқ, асло! Аммо баъзи бир яқинларим ва таниш-билишлар, айрим дўстларимдан бу гапни эшитганман. "Кўғирчоқ ўйинатиб юриш ёш боланинг иши, бу гирт масхарабозликнинг ўзи. Бу билан рўзгор боқиб бўладими?" деганлар ҳам бўлган. Лекин мен парво қилмаганман. Қайтанга шу касб этагини маҳкам тутиб, уни ривожлантириб, бутун дунёга машҳур қилдим. Касбим ҳам мени дунёга машҳур қилди. Шу касбим орқасидан дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатларида ижодий гастролларда бўлдим. Дунё болажонларига қувонч улашдим. Вилоятимиздаги театрлар ҳамда оммавий байрам сахналарида 50 дан зиёд сахна асарлари қўйдим. Мустақиллик ва Наврўз байрамларига бағишланган дастурлар режиссёри бўлдим.

Тошкент шаҳрида шахсий ва ижодий кўғирчоқлар кўргазмаларим ташкил қилинди. 2010 йилда Республика "Ташаббус" кўрик-танловидан иккинчи ўрин соҳибига айландим ва Президентимизнинг махсус совғаларига эга бўлдим. 2011 йили Тайвань давлатида бўлиб ўтган Тинч Океани ҳавзаси ва Осиё давлатлари санъат фестивалининг "Олтин хурмо" мукофотига эга бўлдим. 2012 йили Шанхай ҳамкорлиги давлатларининг Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Давлат делегацияси билан кўргазма раҳбари сифатида иштирок этиб, ютққа эришдим. Ўзбекистонда миллий кўғирчоқ санъати анъаналарини қайта тиклаган ижодкорлардан бири сифатида тан олинди, номоддий маданий меросимизнинг тарғиботчиси ва эксперти сифатида ЮНЕСКО томонидан ўтказиладиган семинар ва ижодий тадбирларнинг доимий иштирокчисига айландим. Драматург сифатида ҳам ўзимни синаб кўрдим, ўндан зиёд пьесаларим республика театрларида сахналаштирилди, сахна асарларим Республика халқ ижодиёти томонидан нашр қилинган. ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ Аёллар йўналиши ташкилоти, Маданият вазир-

лиги, Бадий Академия, Хунарманд уюшмаларининг махсус лойиҳаларида иштирок этиб, турли даражадаги диплом, сертификат ва совринлар билан мукофотландим. Республика телевидениесининг "Болажон" телеканалда элликдан зиёд махсус "Ўйинчоғим-овунчоғим" кўрсатувларига муаллифлик қилдим. Халқаро санъат фестивалларидаги иштироким халқаро фаолиятимдаги нуфузимни оширди. Хунармандларнинг миллий каталогидан ҳамда туризм соҳасидаги реестридан ўрин олдим. Бу каби муваффақиятларни узоқ давом эттиришим мумкин. Қани, энди ўзингиз айтинг мен касб-коримдан нега норози бўлишим керак?

– Кўғирчоқсозлик қандай кириб келгансиз, буни ўрганишингизга нима туртки бўлган?

– Эсласангиз, ўтган асрнинг 80-90 йилларида дўкон пештахталарида миллий кўғирчоқларимиз йўқ ҳисоби эди. Болажонларимиз фақат "мама", "папа", деб гапирувчи рус кўғирчоқларини ўйнашарди. Бу мени узоқ ўйлантирди. Вақти келиб мен ҳам бола-чақали бўлдим. Фарзандларим қандай ўйинчоқлар ўйнаб улғайишни ўйладим. Ниҳоят кўғирчоқлар ясашни

ОЗОДА ВА САРИШТА ҚУШ



Қалдирғоч – озода, саришта ва ғоят сабр-тоқатли қуш. Қалдирғочлар астойдил меҳнат қилиб, дидларига мослаб ин қурадилар. Ҳеч қачон ташландиқ, хароба ва вайрон бўлган жойга ёки ўзгалар инига уя қурмайдилар. Мабодо йиртқич қушлар улар бошпанасига шикаст етказишса ҳам қайтадан уя қуришдан чарчамайдилар.

Қуёш энди буй кўрсатганида пешайвонли уй атрофида қалдирғочларнинг бесарамжонлиги чирқиллаши диққат-эътиборимизни тортди. Улар навбатма-навбат айвон устунларига қўнар, дам қанотларини пириллатиб, ҳавода муаллақ туриб қоларди. "Бу қушларни нима безовта қилдйкин? "Мош" лақабли мушугимиз балки улар пайига тушгандир?" деб ўйладик. Лекин мушук танчада ўзини офтобга белаб ётарди.

Қўш энди буй кўрсатганида пешайвонли уй атрофида қалдирғочларнинг бесарамжонлиги чирқиллаши диққат-эътиборимизни тортди. Улар навбатма-навбат айвон устунларига қўнар, дам қанотларини пириллатиб, ҳавода муаллақ туриб қоларди. "Бу қушларни нима безовта қилдйкин? "Мош" лақабли мушугимиз балки улар пайига тушгандир?" деб ўйладик. Лекин мушук танчада ўзини офтобга белаб ётарди.

Мисрда қалдирғочлар илоҳий қуш саналиб, қадрланиб келинади. Хитойда қалдирғочларнинг баҳорги ташриф чоғида кишилар бир-бирларига серфарзанд оила

бўлиш истагини билдиришаркан. Болтиқбўйи республикаларида ҳам сабр-тоқатли қушлар қадрланиб, уй-рўзгорга барака келтиради, деб астойдил ишонишади. Қалдирғочлар таъсвири уларнинг почта маркаларида ҳам акс эттирилган экан.

Юртимизда ҳам кексаларимиз уларни файзли қушлардан ҳисоблаб, уя ўрнатилган хонадонларда ажиб бир хушқайфият, осойишталик ва хотиржамлик ҳукм суради, деб таъкидлашади.

Фотима СУБОНОВА, Ғаллаорол туманидаги 73-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Фойдали маслаҳатлар

ЯЛАНГ ОЁҚ ЮРИШДА ГАП КЎП

Оёқда 70 мингта нерв учлари мавжуд бўлиб, улар бизнинг ички органларимизга боғланган. Яланг оёқ юрилганда улар массаж қилинади ва жигар, буйрақлар, ошқозон, юракка импульслар юборади ва шу билан уларнинг ишини яхшилайди.

Иссиқ силлиқ тошлар устида яланг оёқ юриш дам олишга, стресс ва депрессиядан халос бўлишга ёрдам беради.

Яланг оёқ юриш бу танани чиниқтириш ва иммунитетни оширишнинг ажойиб усули ҳамдир.



Эълон

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida

MgO
Magniy

N-34,4%

Ca
Kaltsiy

Mahsulot sertifikatlangan
№ UZ.SMT.01.080.64398163
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Qishloq hayoti

ЎЗАБКИСТОН Республикаси Вазирлар Маъжаси комплекс тарихидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-540. 1788 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.